

**Толаметова З.А.**

**Қулматов А.А.**

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети доцентлари

## АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МИКРОКРЕДИТЛАРНИНГ ЎРНИ

*Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги ишли  
ўринларини ташкил қилиш муаммоси яқин  
истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва  
барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор  
йўналиши ва энг муҳим шартидир.*

Меҳнат бозорини тартибга солиш заруриятининг энг муҳим жиҳатларидан бири меҳнат ресурсларининг ортиши билан боғлиқ. 2004 йилнинг ўзида меҳнат ресурслари 13597,0 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли сони 9621,2 минг кишини ташкил этиб, шундан меҳнат ресурсларига нисбатан 70,5 фоиз, яъни 9589,0 минг киши иқтисодиётда банд бўлган. 2009 йилда меҳнат ресурслари 16189,4 минг киши иш билан бандлар эса 11335,4 минг кишидан иборат бўлган. 2010 йилда меҳнат ресурслари 16485, етди. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг глобал тус олиши, иқтисодий инқироз фаоллик жараёнларининг кучайиши рецессия ва иқтисодий пасайишни оқибатида жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги ишсизлик кейинги 3 йил мобайнида ўсиб бориши кузатилди. 2009 йилда АҚШда ишсизлик даражаси 7,2 % Японияда 4,4 %, Буюк Британияда 6,4 %, Германияда 8,2 % га ўсиши кузатилди. Бу ўз-ўзидан ижтимоий трансферларнинг кўпайиши ҳисобига давлат харажатларининг ўсишига олиб келди.

Шунга кўра, ҳукуматлар даражасида инқироздан чиқиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиша бандлик масалаларини, талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган кескин чораларни кўриш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Меҳнат бозорини тартибга солишнинг муҳим бўғинларидан бири-кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик фаолиятида бозор иқтисодиёти қонуниятига кўра меҳнатнинг янгича шаклларини яратишдир.

Республикамизда кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-

қувватлаш мақсадида бу соҳага кўплаб имтиёзлар берилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти бир неча муҳим афзалликларга эга бўлиб, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш жойларини яратишида йирик корхоналарга нисбатан устунликка эга. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш меҳнат ресурсларини бандлигини ошириш имкониятини беради. Мазкур соҳа ишли кучи бандлиги муаммосини ҳал этишда қўшимча даромад манбаларини юзага келтиришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, кичик корхоналар бутун иқтисодиётнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Маълумки, республикамиз меҳнат бозорида ёшлар салмоғи иш изловчилар орасида анча катта миқдорни ташкил этади. Айни пайтда уларнинг нодавлат секторидаги ишлаб чиқариш жараёнига тортилиши ҳам анашу даражада юқоридир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни фаолиятини ривожлантириш меҳнат бозорини тартибга солиш жараёни таҳлилида ёшлар масаласига жiddий эътибор берилмоқда. Чунки мамлакатимизда аҳолининг учдан бир қисми ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Фикримизча, ёшларнинг ишлаб чиқариш, кичик бизнес, тадбиркорликдаги ўрнини кучайтириш, уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиш, моддий бойликлар салмоғида ёшларни улушини ошириш орқали мамлакатимиз келажагини ҳақиқатдан ҳам буюк бўлишини таъминлаш мумкин. Яқин келажакда кутилаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг кўпайиши меҳнат унумдорлигининг юксалиши муносабати билан иш жойларининг бўшashi, иқтисодиётдаги бозор ўзгаришлари ва корхоналар ихтисослигини ўзgartирилиши

натижасида Ўзбекистонда меҳнат бозори билан боғлиқ бўлган муаммолар, хусусан, бандлик ўз долзарблигини сақлаб туради.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўртacha йиллик қўшимча ўсиши 1,9 % дан 2010 йилда 1,6 % гача кутилди. Бу вақт оралиғида ўртacha йиллик қўшимча ўсиш 250 минг кишини ташкил этди.

2010 йили фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 490 мингтани ташкил этди. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларнинг салмоғи 1,7 % га шу жумладан, саноатда-1,3 % га, қурилишда-3,4 % га, транспортда-22,2 % га ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида-9 % га ошди. Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 % га кўпайди. Ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кенгайиб, мамлакатимиз иқтисодиетини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ЯИМ даги улуши 2007 йилдаги-45,5 % дан 2008 йилда 48,2 % га, 2009-йилда 50% га кўтарилди.

2010 йилда 52,5 фоизга етди. 2010 йилда 950 минг иш жойлари яратилган булса, шундан 600 минги (65%) кичик бизнес ва фермер хўжаликларига 210 минги касаначиликга тўғри келди.

Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 % дан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаяпти.

Мамлакатимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначилик турли шаклларини жорий этиш, қишлоқ жойларида чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2009 йилда республикамизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Хуллас иқтисодиетнинг ушбу соҳаси юртимизда юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам 2011 йилга мазкур соҳани ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 54 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарияти томонидан 2011 йилда Парламент томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ иш жойларини яратиш, бу иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда.

Касаначиликни меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, оиласи тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади ва бу 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик республикамиизда ривожланиб бораётганлигига қарамасдан, унинг олдида бир қанча муаммолар мавжуддир.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган баъзи тадбиркорларда малака ва тажрибанинг етишмаетганлиги.

- баъзи кичик ва хусусий тадбиркорларни конъюнктура ўзгаришларига мослаша олмай банкрот бўлаётганлиги.

- «Бизнес режаларни» рақобатчиларни имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мукаммал ишлаб чиқилмаётганлиги

- баъзи жойларда бюрократик тўсиқ ва ғовларга учраётганлиги.

- кичик ва хусусий тадбиркорларни экспорт салоҳиятини етарли эмаслиги

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек «Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушкини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда»<sup>1</sup>. Ўзбекистоннинг 2011 йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан бу соҳа реал иқтисодиетимизда, аввалимбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Президентимиз И.А. Каримов 2010 йил 13 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasida кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларни ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозимлигини, ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-боскич ўтиш, молия ва статистика ҳисботлари тизимини янада соддалаштириш, бундай ҳисботларни ва-

<sup>1</sup> Президентимиз И.А. Каримов 2010 йил 13 ноябрядаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи.

колатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан құллаб-құвватлаш масалалари ҳам қонунда үз аксини топиши даркорлигини таъкидладилар.

Хозирда кичик бизнесни янада құллаб-құвватлаш вазифаси ҳар қачонгидан күра мұхим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янгидан-янги иш ўринларини яратиб, иш билан банд ақоли даромадининг 70 фоизден ортиғини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда микрокредитларнинг ўрнини ошириш учун қуидагиларни амалға ошириш зарурдир.

- Ишлаб чиқарыш фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деңқон хұжаликларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари күрсатышни кенгайтириш.

- Янги ташкил қилинаетган корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш, молиялаш, модернизация қилиш, инновацион лойиҳалар учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш;

- фермер ва деңқон хұжаликларига қишлоқ хұжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун мини-технологиялар олишга, чорва моллари, асалари, уй паррандалари, уруғлик ва күчатлар сотиб олишга, суғориш, тупроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиш ва микролизинг хизматлари күрсатышни янада кенгайтириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг комиссиян харажатлари ўртacha 25 % гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тұланадиган гаров 10 % гача оширилди.

Меҳнат ресурсларининг бандлариги оширишнинг әсерінде 2010-жылда 1,4 баробар кредиттердің салынында 2 триллион 700 миллиард сүмні ташкил этилди. Жумладан микрокредитлар хажми 485 миллиард сүмдан ортиб бу күрсаткич 2009-жылда 1,5 баробар күпайды.

Янги иш жойларини яратища асосан кам тарақкий этган тармоқтарни кенгайтириш, ақолига сифатлы хизмат күрсатыш тармоғини ривожлантириш зарур. Шу билан биргана, енгил ва озиқ-овқат, маҳаллий саноатда, қурилиш материаллари саноатида иш жойларини ташкил этиб, иш билан бандларни ошириш мүмкін, бу эса иқтисодиётнинг таркибий үзгартыши имконини беради.

Жамиятда бандлардың даражаси әски ишчи ўринлари сақланиши билан биргаликта янгиларининг яратилишига ҳам бориб тақалади.

Шуны таъкидлаб үтмоқчимизки, турли укладларда яратиладиган иш ўринларининг қиymати турлича, шу туфайли бандларнинг капитал сиғими ҳам фарқланади.

Әнг қиммат иш ўринлари давлат ва аралаш укладда бўлса, әнг арzon иш ўринлари хусусий укладда, айниқса оиласи ҳўжаликларда яратилади. Иқтисодиётнинг хусусий укладида арzon иш ўринларини яратиш имконияти ўзини-ўзи иш билан таъминлашни рафбатлантиради.

Хусусий укладда, кичик корхоналарда арzon, янги иш ўринларини яратища микрокредитлар фаол иштирок этади, мазкур кредит объектлари хусусий укладнинг негизини ташкил этади. Хусусий уклад аксарият ҳолларда микрофирмалар, фермер ва деңқон хұжаликлари, хусусий тадбиркорлик фаолиятидан ташкил топади ва улар микрокредитга муҳтоҷ бўладилар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ресурсларини күпайтиришнинг йўлларидан бири - микрокредитлардир.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда микрокредитларнинг ўрнини ошириш учун қуидагиларни амалға ошириш зарурдир.

- Ишлаб чиқарыш фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деңқон хұжаликларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари күрсатышни кенгайтириш.

- Янги ташкил қилинаетган корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш, молиялаш, модернизация қилиш, инновацион лойиҳалар учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш;

- фермер ва деңқон хұжаликларига қишлоқ хұжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун мини-технологиялар олишга, чорва моллари, асалари, уй паррандалари, уруғлик ва күчатлар сотиб олишга, суғориш, тупроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиш ва микролизинг хизматлари күрсатышни янада кенгайтириш.

2010-жылда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар хажми 1,4 баробар купайди ва 2 триллион 700 миллиард сүмні ташкил этилди. Жумладан микрокредитлар хажми 485 миллиард сүмдан ортиб бу күрсаткич 2009-жылда 1,5 баробар күпайды.

Микрокредитлар бериш кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиради, иқтисодий ўсишни таъминлайди, бу эса иқтисодий ижтимоий барқарорликни келтириб чиқаради. Микрокредитларнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, у янги иш жойларининг пайдо бўлишига кўмаклашиб бандликни оширади, ўз -ўзини иш билан таъминлашга хизмат қиласди, ишлаб чиқаришни ўстириш орқали даромад ҳосил этади.

Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес соҳасининг ҳиссаси муттасил кўпайиб бораётган ҳозирги вақтда ҳукуматимиз "Микрокредитбанк"нинг ҳалқ фаровонлигини ошириш сингари муҳим ишга кўмаклашиш йўлидаги фаолиятини янада кенгайтириш имкониятларини яратди. Узбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан ушбу микромoliaш ташкилотининг низом жамғармаси 150 млрд. сўмга ёки 100 млн. АҚШ долларга еказилди.

Микрокредит банкининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич сармояни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, айниқса қишлоқ жойларда кўмаклашиш;
- Тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хом ашё ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республикамиизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунинг ҳисобига қўшимча иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш;

- Иқтисодиетни модернизациялаш даврида тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналарни техник ҳамда технологик жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий ускуналар ва минитехнологияларни, шу жумладан, микролизинг шартлари асосида сотиб олишлари учун шарт-шароит яратиш.

Тадбиркорлик субъектларини дастлабки сармоя ва айланма маблағлар билан таъминлашга мутасадди бўлган "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки 2010 йилда ҳам асосий эътиборни кичик бизнес, хусусий

тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, якка тартиbdаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ҳамда касаначилик кўламини кенгайтиришга қаратди.

2009 йилда банк кредит портфели ҳажми 2008 йилга нисбатан 1,5 баробарга ошиб, 246,8 млрд. сўмни ташкил этди, унинг таркибида қисқа муддатли кредитлар 48,2 млрд. сўмни ва узоқ муддатли кредитлар 198,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банкнинг иқтисодиётни барча соҳаларига хизмат кўрсатувчи активларини диверсификациялаш натижасида кредит қўйилмалари саноатга - 38,9 млрд. сўм, қурилишга - 11,7 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига - 84,6 млрд. сўм, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларига - 19,7 млрд. сўм, моддий техника таъминоти ва майший хизматга - 38,2 млрд. сўм, транспорт ва алоқа хизматига - 1 млрд. сўм ва бошқа тармоқларга - 52,7 млрд. сўм микдорида йўналтирилди.

Ҳозирда банкнинг кредитлаш фаолиятида устуворлик корпоратив бозор сегментида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан бирга қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, кимё саноати корхоналари ҳамда қурилиш ташкилотларни ривожлантиришга қаратилмоқда.

Микрокредитлар таркибида кичик корхоналарга берилган сармоялар 36 фоизни, фермер хўжаликларига ажратилган кредитлар - 24 фоизни, Микрофирмаларга ажратилган микросармоялар - 16 фоизни, юридик шахс бўлмаган (якка тартиба фаолият юритувчи тадбиркор)ларга ажратилган микросармоялар - 16 фоизни, дэҳқон хўжаликларига ажратилган микросармоялар - 8 фоизни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини янги иш жойлари билан таъминлаш ишлари, тадбиркорлик субъектларини турли соҳаларга тегишли бўлган машина-механизмлар билан таъминлашда микролизинг хизматлари алоҳида ўринга эгадир.

Республикамиизда микрокредит банки томонидан микролизинг хизматларини кўрсатиш кўлами йил сайин ўсиб бормоқда. Банк 2007 йилда 5 млрд. сўм ҳажмда микролизинг хизмати кўрсатган бўлса, унинг ҳажмини 2008 йилда 18,9 млрд. сўмга ва 2009 йилда эса 40 млрд. сўмга етди.

Микролизинг хизматларини кўрсатишда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, озиқовқат ишлаб чиқариш, қурилиш моллари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва енгил саноат соҳаларини молиялаштириш дастурий йўналишларидан бири ҳисбланди.

Иқтисодиётни модернизациялаш даврида меҳнат ресурсларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида бандлигини ошириш учун қуидагиларни амалга ошириш керак:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом аше ресурслари, шуннингдек давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур

- Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизmlарини янада такомилластириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини янада кенгайтириш

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида ишловчи ходимларнинг янги техника ва технологияни имларни бошқариш тизимини тез ўзлаштира олиш малакаларини ҳосил қилиш учун уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, тажриба алмаштириш тизимини тартибига солиш;

- меҳнат қонунчилиги асосида ишчи кучларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш уларнинг меҳнат бозорида фаол иштирокини таъминлаш, иш излаётган фуқароларга керакли маълумот олиш имконини берадиган маълумотларнинг минтақавий электрон тармоғи (худудлар иқтисодиёт тармоқлари) олиш, бўш иш жойлари тўғрисидаги маълумотдан

аҳолининг кенгроқ фойдаланишини такомилластириш;

- меҳнат бозорини тартибига солишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари имкониятларидан самарали фойдаланиш механизмини такомилластириб бориш;

- қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлашни кафолатловчи кичик саноат корхоналарини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий ва иқтисодий механизmlарини ишлаб чиқиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва оиласиб бизнесни ривожлантириш;

- қасаначилик фаолиятига ишсиз юрган аҳоли тоифаларини ҳамда аёллар ва ёшларни жалб этишни янада кенгайтириш.

- кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаетган маҳсулотларни ҳарид қилиш кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойластириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичмабосқич жорий этиш

- кичик бизнес субектларини бизнес режаларини тайёрлаш сарф харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш, экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.
2. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан // Халқ сўзи, 2010 йил 21 сентябрь, 1-б.
3. Ўзбекистон: инсонпарварликнинг юксак намунаси. Т.: TURON IQBOL. 2010.
4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаронлигини янада юксалтиришдир. Т.: "Ўзбекистон", 2010. – 80 б.
5. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд – Т.: "Ўзбекистон", 2009. – 280 б.
6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: "Ўзбекистон", 2009.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
8. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд – Т.: "Ўзбекистон", 2008. – 368 б.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.